

# **ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАДАГИ СЕМАНТИК ЖАРАЁНЛАР**

## **Адибахон Халилуллаевна ТЎРАХОЖАЕВА**

доцент

филология фанлари номзоди

Қўқон давлат педагогика институти

Қўқон, Ўзбекистон

**Шахноза Убайдуллаевна НИЗАМОВА**

Катта ўқитувчи

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Қўқон давлат педагогика институти

Қўқон, Ўзбекистон

**Нилуфар АБДУЖАЛИЛОВА**

магистр

Қўқон давлат педагогика институти

Қўқон, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Ушбу мақола мустақиллик даври ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикаси ривожига фаоллашган жараёнлар тадқиқига бағишланган бўлиб, унда бу жараён бир неча гуруҳларга ажратилган ҳолда аниқ мисоллар таҳлили воситасида текширилган.

**Таянч сўзлар:** тил ривож, лексика, фаоллашув, жараён, фаол қатлам, маъно таракқиёти, маъно кенгайиши, маъно ортиши.

# **СЕМАНТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКЕ**

**Адибахон Халилуллаевна ТУРАХОЖАЕВА**

доцент

кандидат филологических наук

Кокандский государственный педагогический институт

Коканд, Узбекистан

**Шахноза Убайдуллаевна НИЗАМОВА**

старший преподаватель

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Кокандский государственный педагогический институт

Коканд, Узбекистан

**Нилуфар АБДУЖАЛИЛОВА**

магистр

Кокандский государственный педагогический институт

Коканд, Узбекистан

### **Аннотация**

Данная статья посвящена исследованию активизировавшихся процессов в развитии общественно-политической лексики узбекского языка в период независимости.

**Ключевые слова:** языковое развитие, словарный запас, активация, процесс, активный слой, семантическое развитие, семантическое расширение, семантическое увеличение.

Маълумки, ҳар қандай тилнинг ривожланишида давлат ва жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришлар муҳим экстралингвистик омил сифатида катта таъсир кучига эга. Мустақиллик макросоциал [2;11] омили ҳам тил луғат таркибининг бошқа қатламларига нисбатан ижтимоий-сиёсий лексикада туб ўзгаришларни юзага келтирган бўлиб, уларни қуйидагича турларга ажратиш мумкин.

1. Ижтимоий-сиёсий лексемаларнинг фаоллашуви.
2. Ижтимоий-сиёсий лексемаларнинг маъно тараққиётига учраши.
3. Ижтимоий-сиёсий қатламга мансуб янги ясалмаларнинг вужудга келиши.
4. Янги ижтимоий-сиёсий ўзлашмаларнинг пайдо бўлиши.
5. Фаол ижтимоий-сиёсий лексемаларнинг эскириши.

Юқоридаги лексик ўзгаришларнинг иккинчи тури яна бир қатор кўринишларни ўз ичига олади. Бунда луғавий бирликлар семантик таркибидаги маъно миқдорининг ортиши, камайиши ҳамда маъно ҳажмининг кенгайиши каби ўзгаришлар эътиборга олинади. Чунончи, тилшунос олим А.Ғуломов “Семантик йўл билан сўз яшаш сўзни янги маънода қўллашдир, сўз маъносининг ўзгариши – тараққийсидир. Бирор сўзнинг маъноси ўзгариб, у бошқа маънога эга бўлар экан, кейингиси аввалгисига нисбатан янги сўз саналиши керак” [14;76] дея таъкидлайди. Семантик усул билан ясалган сўзларнинг қуйидаги кўринишлари аниқланди.

**1. Эскирган сўзларни янги маънода қўллаш.** “Лексиканинг тилда аввалдан бўлган, тарихий ва эскирган сўзлар ҳисобига, шундай сўзларни ишга солиш, амалга киритиш йўли билан бойиши кўпчилик тиллар учун характерли ҳодиса” [15;145]дир. Бунда сўзнинг семантик таркиби миқдор жиҳатидан ортади. Ана шундай ижтимоий-сиёсий лексемаларга *ҳоким, ҳокимият, вазир, девон, мадҳия, раёсат, маъмурият, қўмита* каби луғавий

бирликларни киритиш мумкин. Илгари эскирган деб қаралган вазир, вилоят, туман каби бир қанча сўзлар фаоллашиб, тилимизнинг асл мақомини тиклади ва мавжуд маъноларини сақлаган ҳолда янги, яъни “министр”, “область”, “район” каби маъноларни ҳам ўз устига олган ҳолда фаоллашган бирликларга айланди. Масалан, ҳоким сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 1981 йил нашрида қуйидагича изоҳланган.

*1. Ҳоким Ўрта Осиё хонликларида белгили бир шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар устидан хонубек амрини ўтказиши учун белгилаб қўйилган амалдор.*

*2. Собиқ Туркистон ўлкасидаги, юртидаги айрим шаҳар ёки музофотларда чор ҳукуматининг сиёсатни ўтказиши учун белгилаб қўйилган юқори мансабли амалдор.*

*3. Ўз измига юргизувчи, ўз фикрини ўтказувчи, ҳукмрон [8;705].*

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» янги нашрида эса ушбу лексеманинг қуйидагича маънолари берилган.

*1. Ҳ о к и м Ўрта Осиё хонликларида белгили бир шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар устидан хонубек амрини ўтказиши учун белгилаб қўйилган амалдор.*

*2. Собиқ Туркистон ўлкасидаги, юртидаги айрим шаҳар ёки музофотларда чор ҳукуматининг сиёсатни ўтказиши учун белгилаб қўйилган юқори мансабли амалдор.*

*3 Умуман, ҳукмини, буйругини ўтказувчи (шахс, синф ва ш.к).*

*4. Ўзбекистон Республикасида: вилоят, шаҳар ва туманларнинг биринчи раҳбарлик лавозимидаги шахс, ҳокимликнинг биринчи раҳбари [13;547].*

Юқоридаги қайдлардан кўриниб турибдики, ҳоким лексемасининг иккинчи манбада келтирилган сўнгги (тўртинчи) маъноси мустақилликдан кейинги йилларда миллий давлатчилигимизни барпо этиш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган янги тушунчани акс эттирувчи лексик маъно юкланган яъни, неологизм семема [3;209] ҳисобланади.

Юқоридаги лексемаларнинг қуйидаги маъноларини ҳам ана шундай неологизм семема деб ҳисоблаш мумкин.

*Ҳокимият. Давлатни бошқариш ҳуқуқи: сиёсий ҳукмронлик, давлат органларининг ҳуқуқ ва ваколати [13;547].*

*Вазир. Мамлакатда муайян тармоқ фаолиятини бошқарувчи шахс [9;433].*

*Девон. Ҳозир Ўзбекистонда Президент томонидан тузилиб, раҳбарлик қилинадиган, Президентнинг самарали фаолият юритишини таъминлайдиган ижро этувчи ҳокимият идораси [9;587].*

*Мадҳия. Тантанали қўшиқ, давлат ёки сиёсий синф бирлигининг аломати бўлган тантанали шеърый мусиқий асар [10;522].*

*Раёсат. Мажлис ёки кенгашга раҳбарлик қилиш учун сайланган бир гуруҳ кишилар, президиум.*

*Давлат ҳокимияти органи. Баъзи ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлик органи [11;341].*

Ушбу лексема “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг 1981 йил нашрига умуман киритилмаганлиги боис, унинг барча маънолари ҳавола қилинди.

*Маъмурият. 1. Бошқарув фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари мажмуи.*

*2. Бошқарувдаги мансабдор шахслар, раҳбар ходимлар [10;564].*

Бу лексема эса мустақилликкача бўлган даврда *администрация* маъносидагина қўлланилган. Унинг юқорида келтирилган икки маъноси унинг мазмун-мундарижасида шаклланган янги маънолар ҳисобланади.

**2. Ижтимоий-сиёсий терминларнинг қайта шаклланиши.** Бундай ижтимоий-сиёсий терминлар мустақилликкача ҳам ўзбек тилининг лексик захирасида мавжуд бўлган ва юқорида қайд этилган луғатда ўз аксини топган. Фақат улар ном сифатидагина бор бўлиб, мазкур сўзлар англатган тушунчалар собиқ мафкуравий тузум учун хос бўлмаган ёки бошқача моҳият касб этган. Демак, бундай луғавий бирликлар янгича ижтимоий-сиёсий талабларга кўра қайта шаклланган терминлардир. Мустақиллик туфайли сўз

ва унинг маъновий моҳиятида субъектив-баҳо муносабатининг салбийдан ижобийга томон ўзгариши рўй берди.

Профессор Н.Маҳмудов ҳам ўзининг “Ўзбек тили луғат бойлиги ривожига фаоллашган жараёнлар” номли мақоласида қуйидагича мулоҳазани эътироф этади [4;12]. “Юзи ёруғ бўлган кўплаб сўзлардан яна бири сифатида *фермер* сўзини тилга олиш мумкин. Бу сўз илгари “капиталистик мамлакатларда: фермани ижарага олувчи киши ёки ферма эгаси” маъносида салбий бўёқ билан бўялганди. Мустақиллик туфайли амалга оширилган фавқулодда муҳим иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ фермер деган яратувчи шахс шаклланди. Бугун фермер “ўзига қарашли ёки ижарага узок муддатга олинган ерда зироат, чорва, парранда маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи майда ёки ўртача қишлоқ хўжалиги корхонаси эгаси” (янги изоҳли луғат) бўлиб, жамиятда алоҳида обрў-эътиборга сазовордир”.

Янгича маъно қирралари билан бойиган бу каби терминларга *сенат, сенатор, парламент, палата, департамент, фракция, фермер, уклад, пикет, абсентизм* кабилар мисол бўла олади. Сўзларнинг ҳар икки изоҳли луғатда келтирилган изоҳларини қиёслаш орқали уларнинг семантик структурасидаги ўзгаришларни кузатиш мумкин.

*Парламент. 1. Буржуа мамлакатларида: бутунлай ёки қисман сайлов асосида тузиладиган, қонун чиқарувчи олий давлат органи [9;575].*

*2. Демократик мамлакатларда бутунлай ёки асосан сайлов асосида тузиладиган олий вакиллик ва қонунчилик органи [11;225].*

*Департамент. 1. Францияда: энг йирик маъмурий – территориал бўлинма.*

*2. Баъзи буржуа мамлакатларида ва чор Россиясида: юқори давлат органларининг, министрликларнинг айрим бўлими. АҚШда ва Швейцарияда: министрлик [9;221].*

*3. Франция ва бошқа айрим мамлакатларда энг йирик маъмурий – ҳудудий бўлинма.*

4. *Баъзи мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда, маҳкама, идора ва вазирликлар ёки улар таркибидаги бўлинмаларнинг номи.*

5. *Баъзи халқаро ташилотларнинг бўлинма ва шохобчалари [9;598].*

### ***3.Ижтимоий-сиёсий терминларда маъно миқдорининг ортиши.***

Неологизм семема сифатида янги маъно касб этган бу каби терминларда юқоридаги лексемалардан фарқли ўлароқ мазкур лексема мансуб бўлган муайян ёки воситачи тилдаги бошқа маъноларни ҳам ўзлаштириш ҳисобига маъно миқдорининг ортиши юз беради. Чунки бошқа тилга «хеч бир сўз тўлиқ маъноси билан ўзлашмайди. Бунда ўзлаштирувчи тил ўз имконият ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, чет сўзнинг айрим маъноларинигина қабул қилиб олиши мумкин» [1;46]. Масалан, *институт, президент, палата, ассамблея, корпус, иммунитет* каби лексемаларда шундай ҳолат кузатилади. *Институт* сўзи рус тилида бирдан ортиқ маънога эга бўлгани ҳолда [6;20], унинг “Баъзи олий ўқув юрти ва илмий текшириш муассасаларининг номи” [8,329] маъносигина ўзбек тилига ўзлаштирилган эди. Ушбу лексеманинг “Муайян доирадаги ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқ нормалари мажмуи” [10;215] деган маъноси мустақилликдан кейинги йилларда ўзбек тилига кириб келди. Айни вақтда бу лексеманинг кейинги маъноси *демократик институтлар, ижтимоий институтлар, сиёсий институтлар* каби бирикмаларда фаол қўлланилмоқда.

*Президент* лексемаси ўзбек тилида мустақилликкача ҳам икки маънода қўлланилган бўлиб, икки жилдли луғатда бу сўз қуйидагича изоҳланган.

*Президент. 1. Баъзи илмий муассаса ёки жамиятнинг маълум муддатга сайлаб қўйиладиган бошлиғи, раҳбари.*

*2. Республика формасида идора қилинадиган баъзи мамлакатларда маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи [9;602].*

Мустақил Ўзбекистонда давлат бошқарувининг президентлик шаклига ўтилиши муносабати билан ушбу лексеманинг “давлат бошлиғи” маъноси кўплаб тиллардаги каби етакчи маънога айланганлигини эътироф этиш мумкин.

Мустақиллик макросоциал омилининг таъсирида *ассамблея, корпус, иммунитет* каби лексемаларга хос қуйидаги неологизм семемалар ўзлаштирилди.

*Ассамблея. 1. Халқаро ташилотларда баъзи раҳбарлик органларининг номи [10;110].*

Мазкур лексемага хос ушбу семема ўзлашиш билан бир вақтда, тилда аввалдан мавжуд бўлган “йиғилиш” семасига нисбатан етакчи маънога айланди.

*Корпус. 1. Бирор давлатдаги барча дипломатлар, консуллар [10;408].*  
*Иммунитет. 2. Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва уларнинг ходимлари фойдаланадиган алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар [10;215].*

*П а л а т а. 3. Ўзбекистонда: парламент – Олий Мажлиснинг икки таркибий қисми: қуйи палата – Қонунчилик палатаси, юқори палата – Сенат.*

*Баъзи давлат ёки жамоат ташилотлари ва муассасаларининг номи [11;207].*

**4. Сўз семантик ҳажмининг ижтимоий маъно касб этиши ҳисобига кенгайиши.** Ўзбек тили лексикасининг тараққиёти юзасидан тадқиқотлар олиб борган Г.Муҳаммаджонова “лексикада ижтимоий-сиёсий маъно ҳисобига сўз маъносининг бойиши бошқа маъно ўзгаришларига нисбатан тезроқ содир бўлади” [5;18] дея эътироф этади. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида кўплаб лексемаларда сўзнинг асл маъносига ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғланган янги маъно қўшилиши натижасида лексик маънонинг кенгайиши юз берди. Чунки жамият ҳаётидаги ўзгаришлар тил луғат таркибининг бошқа қатламларига қараганда ижтимоий-сиёсий лексиканинг семантик қатламларида бирмунча тезроқ ва ёрқинроқ акс этади [7;157]. *Маҳалла, мухолафат, даъват, ислоҳот, тикланиш, бўшлиқ, таҳдид, қўпоровчилик* каби кўплаб лексемалардаги маъно ҳажмининг кенгайиши ижтимоий-сиёсий лексик қатламнинг миқдор жиҳатидан бойишига сабаб бўлди. Мазкур луғавий бирликларда ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқ

ҳолда маъно кенгайиши юз берганлигини ЎТИЛнинг турли нашрларида келтирилган изоҳларини қиёслаш орқали ҳам кўриш мумкин.

*Маҳалла. 1. Шаҳарнинг бир неча кўчани ўз ичига олган бир бўлаги ва унинг аҳолиси [9;457].*

*2. Шаҳарнинг маълум бир ҳудудни ўз ичига олган ва аҳолиси бир жамоага бирлашган, ўз-ўзини бошқаришга асосланган ижтимоий-ҳудудий бўлаги.*

*3. Айни бир ҳудуд (маҳалла)да яшовчилар.*

*4. Маҳалла кенгаши ва у ўрнашган бино; маҳалла гузар [10;572].*

Миллий мустақилликка эришганимиздан сўнг, маҳалла – фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан бири сифатида маҳаллий ҳокимиятнинг таркибий қисми деб белгиланди. Бу эса лексеманинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда янги маъно қирралари билан бойишига сабаб бўлди.

*Мухолафат. Қарама-қаршилик, хилофлик, зиддият [9;485].*

*Мухолафат. Расмий ҳукумат ва унинг сиёсати билан келишмай бошқача сиёсий йўл тутиб, амалдаги қонунлар доирасида фаолият юритиш [10;656].*

Мустақил Ўзбекистонда мухолифат демократиянинг муҳим белгиси сифатида шаклланиётгани боис, бу ҳодисани номлаётган лексеманинг семантик таркибида ижтимоий-сиёсий маъно юкланиши ҳисобига кенгайиш ва эскирган қатламдан фаол лексикага кўчиш жараёни юз беради.

*Қўпоровчилик - 1 қўпоровчи: 2 с.мавҳ. От [10;685].*

*Қўпоровчилик. Бирор мамлакатнинг ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга бўлган объектларини бузиш, вайрон қилиш мақсадида амалга оширилган ишлар; қўпориш ишлари; диверсия [13;412].*

*Давлат. 1. Бирор ишга ёки бирор йўл, маслак ва ш.к.га ундаш, чақириқ [9;215].*

*2. Бирор-бир ҳаракатга, маънавий, мафкуравий маслакка ундаш, чақириш; рағбатлантириш [9;578].*

Аниқ предмет маъносини ифодаловчи *бўшлиқ, таҳдид, полигон, иммунитет, стратегия* каби луғавий бирликларда мавҳум кўчма маънонинг тараққий этиши билан ҳам маъно ҳажмининг кенгайиши юз берди. *Ғоявий бўшлиқ, мафкуравий таҳдидлар, мафкуравий иммунитет, – мафкура полигонлари, янгиланишлар стратегияси* каби бирикмалар бу фикрнинг яққол исботидир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ахророва Г. Икки тилли луғатларда интернационал сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. – №6. – Б. 45-47.
2. Дешериев Ю.Д., Панов М.В., Туманян Э.Г. и другие. Влияние социальных факторов на функцирование и развитие языка. – Москва: Наука, 1988. –198 с.
3. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Талқин, 2005. – 271 б.
4. Маҳмудов Н. Ўзбек тили луғат бойлиги ривожда фаоллашган жараёнлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – №5. – Б.3-16.
5. Мухаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1982. – 87 б.
6. Словарь иностранных слов. – Москва: Русский язык, 1979. – 620 с.
7. Розе Л. Общественно-политическая лексика в газете – “Петербургас авизес”: автореф. дисс ....канд.филол.наук. – Рига, 1962. – 157с.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1 том. // З.М.Маъруфов таҳрири остида. – Москва: Рус тили, 1981. – 631 б.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1 жилд. // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 2006. – 680 б.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2 жилд. // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 672 б.

11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3 жилд. // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 688 б.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4 жилд. // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 608 б.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5 жилд. // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 592 б.
14. Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. – Тошкент: ФАН, 1949. – 193 б.
15. Ҳожиёв А. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти. Т.3. – Тошкент: Фан, 1991. – 168 б.